ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ВАЗИРЛАР КЕНГАШИНИНГ РАИСИ

ҚАРАҚАЛПАҚСТАН РЕСПУБЛИКАСЫ
МИНИСТРЛЕР КЕҢЕСИНИҢ БАСЛЫҒЫ

**Н.Ерлепесовга**
**А.Даниярова**
**М.Ахмедовага**
**Соғлиқни сақлаш вазирлиги (М.Курбанов)га**
**Тиббий-ижтимоий хизматларни ривожлантириш агентлиги ҚР бошқармасига**
**Санитария-эпидемиология осойишталик хизмати ҚР бошқармаси (Б.Кутлимуратов)га**
**Оила ва хотин-қизлар қўмитасига**
**"ҚҚ электртармоқлари" (А.Нурымбетов)га**
**Халқ таълими вазирлиги (А.Наримбетов)га**
**Молия вазирлиги (М.Содиков)га**
**ИИВ (Б.Торебеков)га**
**Фавқулодда вазиятлар бошқармаси (А.Давлетов)га**
**Шаҳар ва туманлар ҳокимликларига**

ВМ Раёсатининг 2023 йил 24 мартдаги 24-сон баён қарори, шу жумладан **2; 3; 5; 7; 9; 11; 12-бандлари** ижросини таъминлаш юзасидан 3 **кун муддатда** чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиб, тасдиқлашга тақдим этишингизни ва бажарилишини таъминлашингизни сўрайман.

Бажарувчи: Б.Аймбетов

**№ 11/45** **Ф.ЭРМАНОВ**
**27.03.2023й.**

11/45 32
27 марта 2з

QARAQALPAQSTAN RESPUBLIKASI
DEN SAWLIQTI SAQLAW
MINISTRLIGI
KIRIS №08/304
"30" 03 2023 j.

---

O`ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASI
RAYOSATI MAJLISINING BAYONI

20 23 yil « 24 » mart № 24 Toshkent sh.

**Раислик қилувчи:** – А.Н. Арипов – Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири

**Иштирок этдилар:** – Бош вазир ўринбосарлари – А.Ж.Раматов, Ж.А.Кўчқоров, З.Б.Маҳкамова, Бош вазир маслаҳатчиси Р.В.Абдуқодиров

Бош вазир котибияти раҳбари – А.А.Джурабаев,

Бош вазир котибияти раҳбарининг ўринбосарлари, таркибий бўлинмалар раҳбарлари ва масъул ходимлари

Вазирлик ва идоралар, маҳаллий ҳокимликлар раҳбарлари *(рўйхат бўйича).*

**КУН ТАРТИБИ**
**Аҳолини сифатли ва кафолатланган тиббий хизматлар билан таъминлашда раҳбарларнинг шахсий масъулияти тўғрисида**
*(Арипов, Иноятов, Қосимов, Азимов, Мусаев, Абдурахмонов, Шерматов, Тўйчиев, Арипов)*

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев ташаббуслари билан соғлиқни сақлаш соҳасида аҳолини рози қилиш бўйича тизимли ислоҳотлар амалга оширилмоқда.

Халқаро стандартларга мос тиббий хизматни аҳолига яқинлаштириш мақсадида 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясини **"Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили"**да амалга оширишга оид давлат дастури асосида жорий йилда 30 та оилавий поликлиника, **110 та оилавий шифокорлик пункти ва 520 та маҳалла тиббиёт пунктларини** ташкил этиш вазифаси белгиланди.

Мазкур соҳадаги устувор йўналиш аҳолини сифатли ва кафолатланган тиббий хизматлар билан таъминлаш, бирламчи тиббий-санитария ёрдамининг сифатини яхшилаш, тиббиёт ходимларини қўллаб-қувватлаш ва фаолияти самарадорлигини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Шу билан биргаликда аҳолини сифатли ва кафолатланган тиббий хизматлар билан таъминлаш бўйича соҳада ўз ечимини кутаётган бир қатор муаммолар ҳам мавжуд.



Жумладан:

Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланган тиббий ёрдамнинг кафолатланган ҳажмлари рўйхатида **касалликлар, тиббий текширувлар ва дори воситалари билан таъминот миқдорлари аниқ кўрсатилмаган.**

Тиббиёт муассасаларида тасдиқланган "жиҳозлаш табели"га асосан **43 турдаги 44 минг дона** тиббий асбоб-ускуналардан **25 мингтаси (58 фоизи)** мавжуд бўлиб, мавжуд тиббий асбоб-ускуналардан **5 мингтаси (12 фоизи)** носоз ёки маънан эскирган.

Шу билан бирга, Кореянинг EDCF кредит маблағлари ҳисобига тиббий асбоб-ускуналар харид қилиш учун режалаштирилган **74 млн долларлик** лойиҳа бўйича таклиф тайёрлаш масаласи **Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан охирига етказилмаган.**

Аҳолини сифатли ва кафолатланган тиббий хизматлар билан таъминлаш юзасидан билдирилган таклифлар атрофлича муҳокама қилиниб, мажлис **қарор қилади:**

1. Кун тартибидаги масала бўйича Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазири **А.Иноятов**, Сурхондарё вилояти ҳокими У.Қосимов, Қашқадарё вилояти ҳокими М.Азимовнинг ҳисоботлари маълумот учун **қабул қилинсин.**

2. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида **соғлиқни сақлаш соҳасида 2023 йилда амалга ошириладиган** қуйидагиларни амалга оширишни назарда тутувчи "Йўл харита"лари 1–14-иловаларга мувофиқ тасдиқлансин:

аҳоли орасида касалликлар профилактикаси, касалликларни эрта аниқлаш, кўрсатилаётган тиббий хизматлар сифати ва самарадорлигини ошириш;

маҳаллаларда бирламчи тиббий-санитария ёрдамини аҳолига янада яқинлаштириш;

ихтисослаштирилган тиббий хизматларни янада ривожлантириш;

бирламчи тиббий-санитария муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш;

бирламчи тиббий-санитария муассасалари кадрлар таъминотини яхшилаш, тиббиёт ходимлари малакасини ошириш.

3. **Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Соғлиқни сақлаш вазирлиги** (А.Иноятов) билан биргаликда **2023 йилда соғлиқни сақлаш соҳасида амалга ошириладиган** ишлар юзасидан "Йўл харитаси"да қайд этилган вазифаларни белгиланган муддатларда бажарилишини таъминласин.

4. Соғлиқни сақлаш вазирлиги (А.Иноятов), Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги (Л.Кудратов) Иқтисодиёт ва молия вазирлиги (Ш.Кудбиев) билан биргаликда бир ой муддатда Корея Республикасининг EDCF фондининг **74 млн долларлик** инвестиция лойиҳаси доирасида ҳудудлардаги бирламчи тиббий-санитария муассасаларини тиббий асбоб-ускуналар билан таъминлаш бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини белгиланган тартибда киритсин.

QARAQALPAQSTAN RESPUBLIKASI DEN SAWLIQTI SAQLAW MINISTRLIGI
QORAQALPOG'ISTON RESPUBLIKASI SOG'LIQNI SAQLASH VAZIRLIGI
03 04 23 y.
№ 01/2202
NOKIS q. NUKUS sh.

**Барча туман (шаҳар) тиббиёт бирлашмалари бошлиқларига**

Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Сизларга Коракалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг 2023-йил 27-март кунги 11/45-сонли хати ҳамда ВМ Раёсатининг 2023 йил 24 мартдаги 24-сонли баёни раҳбарлик ва ижро учун юборилмоқда.

***Илова _____ варақда***

**Вазир:** **М.И.Қурбанов**

**Ижрочи:Г.О.Абдисаметова**
**Телефон:90-727-51-69**